

Сийрат дарслари (105-дарс). Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам сизга фидо бўлсин!



13:03 / 09.10.2020 2605

417. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр закотини рўзадор учун беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан покланиш ва мискинларга таомланиш бўлсин, дея фарз қилдилар. Ким уни намоздан олдин адо қилса, у мақбул закот бўлур. Ким уни намоздан кейин адо қилса, садақалардан бир садақа бўлур».

Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

418. Убайдуллоҳ ибн Адий ибн Хиёрдан ривоят қилинади:

«Икки киши менга видолашув ҳажида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдларига борганларини айтишди. У зот садақа тақсимлаётган эканлар. Шунда иккови ундан сўрашибди. У зот уларга бошдан-оёқ назар солиб чиқибдилар. Уларнинг бақувват эканини кўрибдилар. Сўнгра: **«Агар истасангиз, икковингизга ҳам бераман. Аммо унда бойнинг ва касб қила оладиган бақувватнинг насибаси йўқ»**, дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

419. Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбанинг соясида ўтирганларида олдиларига етиб бордим. У зот мени кўришлари билан: **«Улар ютқазувчилардир. Каъбанинг Робби ила қасам!»** дедилар. Етиб бориб, ўтирдим ва яна ўрнимдан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, ота-онам сизга фидо бўлсин, улар кимлар?» дедим. **«Улар моллари кўплардир. Фақат мана бундай, мана бундай, мана бундай деганлар,** – дея олдилари, ортлари, ўнглари ва чапларига ишора қилдилар. – **Улар оздирлар. Кимнинг туяси, қорамоли ва қўйи бўлатуриб ҳаққини адо қилмаса, албатта, Қиёмат куни ўшалар энг катта ва семиз ҳолида келтирилади. Уни туёқлари билан тепадилар, шохлари билан сузадилар. Унинг олдидан охиргиси ўтса, олдингиси қайтиб келади. Одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундай давом этади»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан